Қарши шахар академик лицейларда умумий овқатланишни
ташкил этиш тўғрисида

# Ш А Р Т Н О М А № 3

«16» 05 2022 й. Карши ш.

Қарши шаҳридаги мактаб,олий ўқув юртлари,академик лицей ва коллежларига умумий овқатланиш хизмати кўрсатишга ихтисослашган « ОТТ Раджапова Муазам » (бундан буён "Таъминотчи" деб юритилади) бошлиғи Раджапова Муазам Равшановна иштирокида корхона Низомига асосланиб ва иккинчи томондан « ҚДУ академик лицей» ( бундан кейинги ўринларда "Харидор" деб юритилади) раҳбари И.Хушмуродова ушбу шартномани қуйидагилар бўйича туздик.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.3. «Харидор»умумий овқатланишни ташкил этади.

1.4. Таъминотчи, яъни «ОТТ Раджапова М»савдо корхонаси юқорида қайд этилган ошхоналарда хизмат кўрсатади.

## 2.ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Таъминотчининг мажбуриятлари.

2.1.1.Ўқув юртининг (ташкилотнинг) раҳбарияти билан келишилган ҳолда ўқув юртининг ошхонасида хизмат қилади, яъни ( бир,икки,уч маҳал) ўқувчиларни овқатлантиришни «Харидор» талабига асосан ташкил этади.

2.2. Ошхонани тажрибали ошпазлар ва кераклича ёрдамчи ишчилар билан таъминлайди.

2.1.3. Ошхонада ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз равишда етказиб беришни ва уларни сифатли булишига кафолат беради.

2.1.4.Ошхонада иссиқ овқатлар, қандолатчилик ва пазандачилик маҳсулотларининг Ўзбекистон Савдо Вазирлиги томонидан рухсат этилган рецептуралар асосида тайёрлашга кафолат беради.

2.1.5.Таъминотчи ошхонани идиш товоқ, овқат пишириш мосламалари ҳамда бошқа керакли асбоб анжомлар билан тўлиқ таъминлайди.

2.1.6.Ошхонада тайёрланадиган барча иссиқ овқатлар учун ишлатиладиган маҳсулотлар ҳамда қандолатчилик ва пазандачилик маҳсулотларини "Харидор"нинг талабига асосан арзон нархларда яъни Молия вазирлиги томонидан бериладиган меъёрий харид нархларидан ошмаган ҳолда етказиб беришга кафолат беради.

2.1.7. «Харидор»нинг биносидан фойдаланган қисмига Қашқадарё вилоят давлат мулкини ижарага бериш маркази давлат унитар корхонаси билан шартнома тузган ҳолда ижара тўловларини амалга оширади.

2.1.8.Жорий ойда иссиқ овқат тайёрлашда ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари нархи шартномани амал қилиш муддатидан қатъий назар шу йил январь-декабрь ойи учун қўлланилади.

2.2.1.Санитария гигена талабларига жавоб берадиган ошхона ва ёрдамчи хоналар билан таъминлаш ҳамда ошхонагакириб чиқиш учун таъминотчининг ходимлари ва техника воситаларига шарт шароитлар яратиб беради.

2.2.2.Ошхонанинг иш режимини таъминловчи билан бирга келишиб олади.Ошхонада тартибни сақлаш учун ўқувчилардан навбатчилар билан таъминлайди.

2.2.3.Ошхонада гурух билан овқатланиш учун кунлик талабнома берилади.Унда нонушта,тушлик,кечки овқат истеъмол қиладиганларни сони аник курсатилган бўлиши ва раҳбарият томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

2.2.4.Ошхонада тайёрланадиган овқатларга солинадиган маҳсулотлар сифати, тури ва миқдорини назорат қилиш учун ўз вакилини тайинлайди.

## 3.ШАРТНОМА БАҲОСИ

3.1.Шартноманинг умумий суммаси 5432552 в (Эллик тўрт миллион уч юз ўттиз беш минг беш юз эллик икки сакиз) сўм белгиланиб шартноманинг амал қилиш даври мобайнида овқатлантириш учун ишлатиладиган маҳсулотлар нархи, нарх-наво ўзгариши билан ўзгаради.Маҳсулот нархи ўзгаргани ҳақида томонларга хабар қилинади.

## 4.ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

4.1. «Харидор» туловни банк орқали пул кўчириш йўли билан амалга оширади.
4.2. Пул ўтказиш йўли билан овқатлантириладиган ошхоналарда «Харидор» жорий ойга шартномада курсатилган маблағнинг 30 фоизини "Таъминотчи" ҳисоб рақамига олдиндан, қолганини харажат қилинишини ҳисобга олган ҳолда шартнома шартлари томонлар тарафидан тўлиқ бажарилиб бўлингандан сўнг ўтказиб беради.

## 5.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "ТАЪМИНОТЧИ" харидор талабига биноан ўкувчиларни овқатлантиришда узилишларга йўл қўйса хар бир колдирилган кун учун шартнома умумий суммасининг 0,05 фоиз миқдорда пеня тўлайди.Пеня умумий миқдори шартнома умумий суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
5.2. «ХАРИДОР» олинган маҳсулот қийматини шартномада келишилган муддатда тўламаса ёки тўловдан бош тортса, бош тортилган сумманинг ҳар бир кечиктирилган куни учун 0,04фоиз миқдорида пеня тўлайди.Пенянинг умумий миқдори шартнома умумий суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

## 6.ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳар иккала томоннинг келишуви асосида фақат ёзма равишда амалга оширилади.

## 7.НИЗОЛАРЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича юзага келадиган барча келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар асосида ҳал қилинади.
7.2. Музокаралар орқали ҳал қилинмай қолган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлар асосида Хужалик судлари орқали ҳал қилинади.

## 8.ШАРТНОМА МУДДАТИ

Мазкур шартнома 2 нусхада тузилиб, имзоланган кундан бошлаб иккала нусха ҳам бир хил қонуний кучга эга.
Шартнома муддати 16.05.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача.

## 9. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

**«ТАЪМИНОТЧИ»**
ООТ Раджапова Муазам
(бюджет маблагларини олувчи номи)
манзили_Каршишахар Магзон
куча62-уй
тел\факс
х\р;20218000200744072001
банк номи:Ипотека банк
ИНН;453989162
МФО; 00190 ИНН; 201343778
ОКОНХ -
Рахбар; М.Раджапова
( Ф.И.Ш.)

**«ХАРИДОР»**
Қарши ДУ академик лицей
(ижрочининг номи)
манзили Карши шахар
Олимлар кучаси
шх\р400810860104017092500079002
ИНН 205219681
ОКОНХ_92120
Газнач. булими Уз.Рес.Молия ваз.газ.
х/р 23402000300100001010 инн; 201122919
МФО;00014
Рахбар; И.Хушмуродова
( Ф.И.Ш.)

**М.У.**
**Хукушунос:**